

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМЙЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМЙЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМЙЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМЙЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҚИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Бахтиёр Эргашевич Юлдашев,

Тошкент давлат транспорт университети

“Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси доценти, т. ф. н.

baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru

Светлана Владимировна Темирова,

Тошкент давлат транспорт университети

“Халқаро оммавий ҳуқуқ”

кафедраси катта ўқитувчиси

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР

For citation: Bakhtiyor E.Yuldashev, Svetlana V.Temirova, LEGAL AND POLITICAL VIEWS IN THE HOLY BOOK OF ZOROASTRIANISM "AVESTA". Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.187-194

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072237>

АННОТАЦИЯ

Муаллиф ушбу мақолада зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да илк давлатчиликнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи, жинойт ва жазо, хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик, ўзаро муносабатларнинг қонун-қоидаларини таҳлил қилади. Масаланинг ушбу жиҳати нафақат Ўзбекистоннинг давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишга кўшимча материал сифатида хизмат қилади.

Калит сўзлар: зардуштийлик, “Авесто”, кави, нмана, вис, занту, дахиё, нманapati, виспати, зантупати, дахиёupati, дахию састар, варзанapati, вьяха, заратуштроэма, конфирмация, “Авесто”да аёлнинг оиладаги мавқеи, ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан мажбуриятлари, шартномалар, ундаги мажбуриятлар, зардуштийликда жинойт ва жазо.

Бахтиёр Эргашевич Юлдашев,

доцент кафедры “Международного публичного права”, к. и. н.

Ташкентского государственного транспортного университета

baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru

Светлана Владимировна Темирова,

старший преподаватель кафедры

“Международного публичного права”

Ташкентского государственного транспортного университета

ПОЛИТИКО-ПРАВОВЫЕ ВОЗЗРЕНИЯ В СВЯЩЕННОЙ КНИГЕ ЗОРОАСТРИЗМА «АВЕСТА»

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор на основе фактического материала анализирует общественно-политическую систему древнего государственного устройства, существовавшие древние законы, наказания за совершенные преступления, правила взаимоотношений описанные в священной книге «Авеста». Все вышеизложенное служит дополнительным материалом при изучении истории развития государства и права.

Ключевые слова: зороастризм, «Авеста», кави, нмана, вис, занту, дахию, нманапати, виспати, зантупати, дахиюпати, дахию састар, варзанапати, вьяха, заратуштроэма, конфирмация, положение женщины в семье, обязанности родителей по отношению к своим детям, договоры, обязательства по ним, преступление и наказание в зороастризме.

Bakhtiyor E. Yuldashev,
Tashkent State Transport
University Associate Professor of
the Department of Public International Law,
baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru
Svetlana V. Temirova,
Senior Lecturer at the
Department of Public International Law,
Tashkent State Transport University

LEGAL AND POLITICAL VIEWS IN THE HOLY BOOK OF ZOROASTRIANISM "AVESTA"

ABSTRACT

In this article, the author, on the basis of factual material, analyzes the socio-political system of the ancient state structure, the ancient laws that existed, punishments for crimes committed, and the rules of relationships described in the holy book "Avesta." All of the above serves as additional material in the study of the history of the development of the state and law.

Index Terms: Zoroastrianism, "Avesta", kavi, nmana, vis, zantu, dahiyu, nmanapati, vispati, zantupati, dahiyupati, dahiyu sastar, varzanapati, vyaha, zaratushtroema, confirmation, woman's position in the family in "Avesta", obligations of parents towards their children, contracts, obligations therein, crime and punishment in Zoroastrianism.

1. Долзарблиги:

Шўролар ҳокимияти даврида мамлакатимизнинг ҳақиқий, том маънодаги Ватан тарихи холисона яратилмади, она тарихимиз сохталаштирилди. Айрим тарихчилар ўз асарларида қадимги аجدодларимизни кўчманчига чақариб, ҳатто юксак маънавиятли ўзбек халқини исломдан олдин оташпараси бўлган дейиш билан бирга, инсоният тарихида чуқур из қолдирган ва жаҳон халқлари маданияти тарихида маънавий омил бўлган зардуштийлик динини Эрон давлати дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”ни ҳам шу заминда яратилган деб исботлашга ҳаракат қилиш замирида ўзбек халқининг давлат ва ҳуқуқ тарихи, буюк маданияти ва маънавиятини инкор этишни асосий мақсад қилиб қўйганларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да сиёсий-ҳуқуқий қарашлар масаласини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик, танқидий, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик ва холислик тамойиллари асосида ёритилган. Мақолада зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да сиёсий-ҳуқуқий қарашлар, уларнинг мазмун ва моҳияти қисқача очиқ берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Икки азим дарё - Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган Ўзбекистонни нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму

уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган десак хато қилмаймиз. Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича - Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ ўйғониш даври – Шарқ ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этгандек, агар Европа Ўйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Ўйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди. “Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Боҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар нафақат ислом, айтилишида жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган” [1]. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон илк давлатчилиқ тарихи билан бирга ҳуқуқ тарихини яратган ва жаҳон цивилизациясининг ривожланишида, айтилса, давлатчилиқ ва қонунчилиқ маданиятининг тараққиётида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мамлакатдир десак хато қилмаймиз. Диний, ахлоқий, ҳуқуқий меъёрларни ўзида мужассам этган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” бунга яққол далилдир. “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганлигига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросдир. “Авесто” айтилишида бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди” [2]. “Авесто” ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан олдинги II минг йиллик ўрталарида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафқураси, илк давлатчилиқ ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи ҳақида асосий манба сифатида қимматли маълумотларни беради.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” баён этилишича давлат “кави” томонидан идора қилган. “Кави” муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларни ўзида мужассамлаштирган. “Кави”нинг ҳуқумдорлик ҳуқуқи белгиланишида “Фарр” (“Авесто” тилида “хварно”) принципи қонуний асос сифатида қабул қилинган. Унинг маъноси шуки, олий дунёвий ҳокимият сулоланинг бир вакилидан иккинчисига ўтишда муайян илоҳий белги содир бўлади, яъни муайян бир жонивор, қўш ёки ёғду шуъласи ҳукмдорликка танланган кишини ажратиб кўрсатади. Халқимиз орасида тарқалган “фалончининг бошига бахт қўши қўнибди” ибораси ушбу қадимий анъананинг изларига ишора этади.

“Авесто”да оила – “нмана”, уруғ – “вис”, қабила – “занту”, вилоят – “дахийю”, уларни бошқарган оқсоқоллар эса “нманапати”, “виспати”, “зантупати”, “дахийюпати”, бир неча вилоятларнинг ҳукмдори ва қабилаларнинг ҳарбий бошлиғи - “дахийю састар”лардан ташкил этилган қонун чиқарувчи Олий орган – Оқсоқоллар Кенгаши (қабилалар иттифоқи) - “варзанапати” ёки “ханжамона”, ва Халқ Мажлиси - “въяха” деб юритилган. Давлат бошқаруви сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар асосида амалга оширилган, Оқсоқоллар Кенгашининг мўътабар уламаси - қўш эса Олий судья вазифасини бажарган, уни “Заратуштроэма” деб аташган, унинг ҳукми мутлақ бўлиб, унга ҳеч кимнинг эътироз билдиришга ҳақи бўлмаган. Оқсоқоллар Кенгаши - “варзанапати” қўлида диний мафкура ва ҳокимият бирлашган. Улар жамоа фаолиятидаги ижтимоий-ҳуқуқий ва хўжалиқ масалаларини ҳал этганлар. Оила оқсоқоли - “нманапати” оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ ҳисобланган. Уруғ жамоаси бошлиғи - “виспати” муҳим ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий вазифаларни бажарган. У оила жамоаси оқсоқоллари ичидан сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи, қози, диний қўш, раҳнамо ҳисобланган. “Дахийю састар”лар бир неча қабилалар яшайдиган маъмурий ҳудудни, вилоятлар ва йирик ўлкани ҳамда ҳарбий қўмондонлик бошқаруви вазифасини бажарган. Улар

томонидан чиқарилган ҳар қандай низомлар ва буйруқлар жамоа аъзолари учун муқаддас қонун вазифасини бажарган [3].

“Авесто” инсон хатти-ҳаракатлари, унинг феъл-атворини тартибга солувчи ҳуқ-атвор қоидалари ва меъёрлари қомуси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам “Авесто” инсон ҳуқуқлари, жинойт ва жазо, хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик, ўзаро муносабатларнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқдики, бу билан жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга асос бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат мақомини эгаллади. Хусусан, зардўштийлик таълимотида қариндошлик муносабатлари оталик, меросхўрлик, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, қонунларни бузганликдаги жавобгарлик масалаларини тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлган. Жамият мавжудлиги ва фаровонлиги, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, ёмонликка қарши кураш, инсон зотининг давом этиши, авесто жамиятининг яшовчанлиги, диннинг ворислиги ва тарқалиши унинг мустаҳкамлиги оилага боғлиқ бўлган. Шунинг учун никоҳ Олий Тангри Аҳура Маздага хуш келувчи иш, никоҳсизлик эса гуноҳ, ёмонлик деб ҳисобланган. Зардушт “Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир” деб эълон қилади [4]. Зардуштийликда айтилишича, “Ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган, суғориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшлик хотини бўлган, ҳовли-жойида олов ёниб турадиган ўчоғи, хотини, бола-чақаси бўлган оиласини ўз меҳнати билан боқувчи, ерни яхши парвариш қиладиган, мол-ҳолга қарайдиган одам бегуноҳдир” [5]. “Авесто”да таъкидланишича, агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга темирни қиздириб тамға босишган ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишган. Ер юзида инсон наслини кўпайишига қарши чиқиб, турмуш қурмай юрган қиз қопга солиниб 25 дарра калтакланган [6].

“Авесто”да никоҳ-оила муносабатлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, никоҳ муносабатларига кириш учун никоҳ битимини тузиш талаб этилган. “Авесто”да никоҳ ёши белгиланган. Ана шу ёшда балоғатга етган, йигитлар ва қизлар диндан хабардор қилинган – конфирмациядан, яъни синовдан ўтганлар. Вояга етганлик ва динни қабул қилганликнинг рамзи деб “кусма” белбоғи саналган, у конфирмациядан, яъни синовдан ўтаётганлар белига боғланган. “Авесто”да таъкидланишича, фақат 15 ёшга тўлгандан кейингина ўспиринлар 72 хил рангли ипак иплардан тўқилган белбоғ билан белларини ўраш ва ўзларини яхшилик йўлига бахшида этиш учун оила қуриш ҳуқуқига эга бўлганлар [7]. “Авесто” бўйича, қизларнинг турмушга чиқиши ҳақида ота-оналари ва васийлар қайғуришлари лозим бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, никоҳ турмуш қурмокчи бўлаётганлар истаги бўлиб, сўнгра у ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган. Зардуштийликда ота-оналарнинг қизларига сеп беришлари мажбурияти кўрсатилган, маълум буюмлар рўйхати берилган. Зардуштийлик динида қуйидаги кўрсатмалари жуда характерлидир: “Унинг қалбини покиза эътиқод ва муқаддас қонунга мойил қилсин, яхши ёстиқдошга интиқ қилсин... ёш қизалоқнинг қадди-қомати, ранги-рўйи ҳар жиҳатдан бенуксон бўлсин... ўн беш ёшли қиз яхши обрў-эътиборга, шаън ва олтин зиракка эга бўлиб, у яхши эътиқодли эрга турмушга берилсин...”. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Зардўштийлик фақат ҳақиқатгўйлар – Аҳура Мазда издошлари ўртасидаги никоҳларни ёқлаган, ўзга диндагилар билан никоҳларни қатъиян тақиқлаган. Очикдан-очиқ тақиқ кўрсатмаларига мувофиқ “тўғрилиқ уруғини нотўғрилиқ уруғи билан аралаштирган, девларни кадрловчининг уруғини маздапарастлар уруғи билан, девни у бўлмаган уруғ билан аралаштирувчи киши” Аҳура Маздага энг оғир ранж, энг катта ҳафагарчилик етказди. Бундай одамлар илонлардан хавфли, бўрилардан кўркинчи ва ҳоказо деб талқин этилади. “Авесто”да оилавий муносабатлари аёлларнинг оиладаги анча юқори мавқеи билан ажралиб турган. Аксариат ҳолларда аёл эркак билан тенг ҳуқуқга эга бўлган. Зардўштийлик ҳуқуқининг йирик тадқиқотчилари зардўштийлик динида “аёллар эманципациясининг айрим элементлари пайдо бўлганлигини” қайд этади. Аёл киши шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиш мумкин бўлган, шунингдек мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ сифатида кўрсатмалар бериши мумкин бўлган [8].

Зардўштилик динига кўра эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартнома асосида амалга оширилиб, шартнома муайян муддатга тузилган (одатда – 10 йилга), ушбу муддат тамом бўлгандан кейин у ҳар иккала томоннинг қарорига кўра янгидан тузилган. Зардўштилик динига кўра аёл шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиши мумкин бўлган, шунингдек мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ сифатида кўрсатмалар бериши мумкин бўлган. Зардўштилик динига кўра хотин эрига бўйсунмаган ҳолда эр хотинини судга бериш ҳуқуқига эга бўлган, суд ўз вақтида хотиннинг ҳуқуқларини ҳисобга олган. Шунини таъкидлаш лозимки, хотиннинг бўйсунмаслиги зардўштиликда оғир гуноҳлардан бири ҳисобланган. Лекин шунга қарамай, бундай қилиш уч марта содир этилиши ва суд тартибидея оммавий равишда эълон қилиниши керак бўлган. Фақат ана шундагина эр расмий “бўйсунмаслик тўғрисидаги ҳужжатни” олиш ва хотинга қарши суд ишларини бошланиши мумкин бўлган. Бироқ ушбу ҳолатда ўзига юкланган айбни омма олдида рад этиш ва ўзининг айбдор эмаслигини исботлаш ҳуқуқи хотинда қолган, чунки акс ҳолда унга тегишли бўлган барча мол-мулк эр фойдасига ўтказилган [9].

“Авесто”нинг кўрсатмалари эр-хотинларнинг, ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан мажбуриятларини, болаларни тарбиялаш тартибини етарли равишда тўлақонли белгилаб қўйган. “Авесто” туғилган ва ҳали туғилмаган болаларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилади, абортни тақиқлайди, фақат она, отани эмас, балки абортни амалга оширган инсон ҳам жазоланган, аёлни авесто жамиятидаги мавқеини тартибга солади, ҳақгўй, покиза аёлни шарафлаб, унга “гаталар” (марсиялар) қуйлайди [10].

“Авесто”да тузилган шартномалар, ундаги мажбуриятлар, етказилган зарарни тўлаш каби меъёрларни ўзида акс этган. Мажбурият шакллари сифатида “варуна” номи остидаги тантанали қасамёд ва “митра” деб аталган битим ва шартнома тан олинган. Ҳар иккала ҳолда ҳам ана шу шаклларнинг асосини инсоннинг чин сўзи ташкил этганлигини қайд этиш лозимдир. “Авесто”га кўра, Митра – шартнома тангирисидир, у ҳаммани кўради, тузилган шартноманинг бажарилишини кузатади ва уларни бузганлик учун жазолайди. Зардўштиликда битимга, унинг ким билан – иблис, ўзга диндаги ёки одил одам билан тузилганлигидан қатъи назар риязати этиш зарурлиги бевосита кўрсатилган. Авесто”да шартномаларнинг олти тури қайд этилган. Шартномалар икки шаклда: оддий сўзлар ва қўл бериш йўли билан тузилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир бузилган ёки бажарилмаган шартнома катта қийматдаги янги шартномани тузиш билан алмаштирилиши зарур бўлган. Зардўштиликда жазолаш тизими билан шартноманинг бажарилишини қафолатлаган. Хусусан, оғзаки битимдаги алданганлик учун 300 марта тиканак билан жазолашни ва 300 та калтаклашни, қўл беришиб тузилган битимдаги алданганлик учун 600 марта тиканак билан жазолашни ва 600 марта калтаклашни белгилайди. Шунингдек, аҳдни бузган кишининг яқин қариндошларига гуноҳни ювувчи тавба-тазарру кўринишидаги маъсулиятни ҳам белгилайди. Яқин қариндошларга нисбатан белгиланган жазо чоралари аҳдни бузган кишини жазолашнинг асосий чораларига, жумладан, жисмоний жазолашга қўшимча ҳисобланади.

Зардўштилик ҳуқуқида жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар ўз аксини топган. Уларни динга қарши жиноятлар (бидъат, бошқа дин вакиллари билан оила қуриш, руҳонийларнинг ўз вазифалари, бурчлари ва маъсулиятларини ғайриқонуний бажариш, худосизлик), шахсга қарши жиноятлар (бировга тазйиқ ўтказиш, зўравонлик қилиш, қасддан ҳужум қилиб бировнинг ҳаётига таҳдид солиш, шифокорларнинг ўзгаларга зиён етказувчи хатти-ҳаракатлари, яъни маъсулиятсизлиги, айниқса, ёш болали, ҳомиладор аёлларга нисбатан бефарқлик, ҳомилани олиб ташлаш), ҳайвонларга қарши жиноятлар (уй ҳайвонлари, итлар, қушлар ва бошқа жонзотларга қарши хатти-ҳаракатлар, уларни қийноққа солувчи ҳодисалар), мулкий жиноятлар (ўғрилик, босқинчилик, фирибгарлик, талон-тарож қилиш, бировларнинг ҳисобига яшаш, бошқаларнинг мулкига зарар етказиш), ахлоққа қарши жиноятлар (гомосексуализм (бесоқолбозлик), фоҳишабозлик, эр-хотин хиёнат, ахлоққа зид ва нотабиий ҳаракатлар), табиат кучларига қарши жиноятларга (ер, сув, ҳаво, олов, ўсимлик дунёсига

зарар келтирувчи, уларни ифлослантирувчи ёки барбод этувчи ҳатти-ҳаракатлар) ажратиш мумкин [11].

Зардуштийлик динида жазолар тизими жуда оғирлиги билан ажралиб туради. Жазонинг асосий мақсади кўрқитиш бўлган. Жазолар тизимида ўлим ва тан жазоси энг кўп тарқалган. Шунингдек, қамчи билан уриш, сургун қилиш, мажбурий ишларга жўнатиш, турмада сақлаш, жарима ва обрўсизлантириш жазолари ҳам қўлланилган. Зардуштийлик дини вакилининг ўз динидан воз кечиши оғир жиноят ҳисобланган. Буларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган, хусусан, “темир кески” билан танани кесиб ташлаш, темир кишанлар билан сиқиб ташлаш, “бошни кесиб ташлаш”. “Авесто”да инсон соғлиғи ва ҳаётига қарши бўлган жиноятлар батафсил тасниф этилиб, шунга мос равишда жазо чоралари белгиланган. Унда қасддан қилинган, жаҳл устида қилинган ҳужумларни фарқлайди, яъни айбни енгиллаштирувчи икки ҳолат кўрсатилиб ўтилган, хусусан, биринчидан, биринчи марта жиноятни содир этиш; иккинчидан, ўз айбига иқдор бўлиш. “Авесто”да тана шикастланишининг турли хил турларини кўзда тутати: кучли жароҳат етказиш, суяк синишига олиб келган зарбани бериш, ўлимга олиб келган оғир тан шикастини етказиш. Соғлиқ ва шахсга қарши жиноятлар сирасига шифокорнинг ҳаракатини ҳам киритиш керак, бу ҳаракат натижасида маздачининг саломатлигига маълум зиён етказилган, шунингдек абортни амалга ошириш. Зардуштийликда итга қарши жиноятларни кўзда тутувчи йўл-йўриқлар таҳлил этилади, айниқса, боласи бўлган она итни уриш қатъий ман этилади. Жумладан, кимки итни урса ёки ярадор қилса, азоб берса умрбод бахтсизликка дучор бўлади, деган нақл тарқалган бўлиб, бу қонун-қоидаларни бузганлар оғир жазога тортилганлар. Агар итга озор берилса ёки “...уй итини ўлдирган киши 10 000 барсум (инсон руҳиятини тетиклаштирадиган ўсимлик барги) териши лозим. Шунингдек, у 1000 та эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, 1000 та касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, Олий коҳин бошчилигидаги ҳайъатга топшириб гуноҳини (жазо) енгиллаштириши мумкин” бўлган [12]. “Авесто”да алдов ва зўровонлик йўли билан ўзга мулкни эгаллаб олиш жиноят турлари деб тан олинади. Хасислик “Виндидод”да мулкий жиноятнинг алоҳида тури ҳисобланган, чунки “кимки, адолатли илтимосни рад этса,...аслида нарса сўрайдиган ўғридир”. Зардуштийликда гомосексуализм энг оғир кечирилмайдиган ахлоқий жиноят ҳисобланган (“девларга хизмат қилиш”). “Виндидод”да шарманда эркак ва беҳаё аёлни лаънатловчи йўл-йўриқлар аниқ ифодаланган ва ўлим жазоси билан жазоланадиган ягона ахлоқий жиноят ҳисобланади. “Авесто”да бузукчилик масаласига алоҳида эътибор қаратилган, чунки эр-хотин бевофолиги оилани бузади ва оила негзини бўшаштиради, шу билан бирга болалар туғилиши, авлодлар – насл давомчилари тарбиясини бузади деб ҳисобланган. Зардуштийликда динга эътиқод қилувчилар сони кўпайишини қўллаган ҳолда хотини борининг “умуман хотини йўқлардан” устун деб эълон қилинган. Бундан ташқари, ёрдам кўрсатмаслик ҳам қаттиқ жазоланадиган ахлоқий жиноят ҳисобланган. “Авесто”да экология масалаларига, яъни атроф-муҳитни, ер, сув, дарахт, ўсимлик дунёсини эъзозлаш, ерга ишлов бериш боғ-роғларга ва экинзорларга айлантиришга, олов ва сувни муқаддас тутишга алоҳида эътибор берилганлигини кўрамиз. Оловга тутамайдиган, тоза, қуруқ ўтин ташлаш буюрилиб, ахлатларни ва дарахтларнинг барглари ёқиш қатъий ман этилган. “Авесто”да таъкидланишича, атроф-муҳит муҳофазаси ва муҳит тозаллигини сақлаш, турли касалликларни тарқалиши олдини олиш мақсадида санитария-гигиена қонун-қоидалари қуйидагича амалга оширилган: биринчидан, ахлатни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш; иккинчидан, оташ, иссиқлик ва совуқлик йўли билан йўқотиш; учинчидан, кул, сирка, шароб ва турли гиёҳлар тутатиш йўли билан. Зардуштийлик дини қонун-қоидаларида ер, сув, олов ва ҳавони ифлослантириш гуноҳ (жиноят) деб ҳисобланган, бундай гуноҳкор (жиноятчи) 400 қамчи уриб жазоланган ёки қилган жинояти оғирроқ бўлса, ўлим жазосига маҳкум этилган, бундай жиноят қилганларни катта жарима эвазига авф этиш ёки кул сифатида улардан жамоа ишларида фойдаланиш масалаларини Олий коҳин судья Заратуштроэма ҳамда Оқсоқоллар Кенгаши (Варзанапати) вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан бамаслаҳат адолатли қонунлар асосида ҳал қилганлар. Бундан кўриниб турибдики, “Авесто”

хуқуқ манбаи сифатида кўпгина юксак инсоний қадр-қимматлар асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган.

4. Хулосалар:

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда куйидаги хулосаларни таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз, хусусан, биринчидан, зардуштийлик ҳуқуқининг диний туслигига қарамай, унда Рим ҳуқуқидан кам бўлмаган даражада этник тегишлилиги, эътиқоди, ёши, жинси ва табақасига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахс ҳуқуқлари тамойиллари шаклланган ва қарор топган. Тадқиқотчилар зардуштийлик қонунлари “одамлар иродаси эркинлигини таъкидлашини” қайд этишлари бежиз эмас, иккинчидан, “Авесто”даги қонунчилик тизими ўз даврида жамият, фуқаролар ва ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятнинг бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. “Авесто”да мужассам бўлган бу каби тушунча, йўл-йўриқ, қатъий хулоса ва қонун кучидаги фикрлар давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилган, учинчидан, қадимги Туронда “Авесто” ғоялари, қонун-қоидалари асосий давлат мафкураси ва ҳуқуқий тизими сифатида қанчалик қимматли бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам бу қарашлар ўз аҳмиятини йўқотмаган.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Шавкат Мирзиёев. Таълим ва маърифат-тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл //Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 28-бет. (Shavkat Mirziyoev. The road to education and enlightenment-peace and creativity //We will continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1, Т.: "Uzbekistan", 2017, p. 28).
2. Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Ўзбекистон тарихи” журнали, 1999, №1, 6-бет. (Islam Karimov. There is no future without historical memory. "History of Uzbekistan" magazine, 1999, No. 1, p. 6).
3. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. - Т.: “Адолат”, 2001, 50-52-бетлар. (Boboev H., Hasanov S. "Avesta" is a reflection of our spirituality. - Т.: "Adolat", 2001, pp. 50-52).
4. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., “Адолат”, 2001, 280-бет. (Rtveladze E. V., Saidov A. H., Abdullaev E. V. Ancient civilization of Uzbekistan: scenes from the history of statehood and law.-Т., "Adolat", 2001, p. 280)
5. Тилаб Маҳмудов. “Авесто” ҳақида. “Гулистон”, 1998 йил, 5-сон, 44-бет. (Tilab Mahmudov. About "Avesta". "Guliston", 1998, issue 5, p. 44).
6. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. - Т.: “Адолат”, 2001, 77-бет. (Boboev H., Hasanov S. "Avesta" is a reflection of our spirituality. - Т.: "Adolat", 2001, p. 77).
7. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. - Т.: “Адолат”, 2001, 77-бет. (Boboev H., Hasanov S. "Avesta" is a reflection of our spirituality. - Т.: "Adolat", 2001, p. 77).
8. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., “Адолат”, 2001, 189-бет. (Rtveladze E. V., Saidov A. H., Abdullaev E. V. Ancient civilization of Uzbekistan: scenes from the history of statehood and law.-Т., "Adolat", 2001, p. 189).
9. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., “Адолат”, 2001, 189-190-бетлар. (Rtveladze E. V., Saidov A. H., Abdullaev E. V. Ancient civilization of Uzbekistan: scenes from the history of statehood and law.-Т., "Adolat", 2001, pp. 189-190).
10. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., “Адолат”, 2001, 358-359-бетлар. (Rtveladze

- E. V., Saidov A. H., Abdullaev E. V. Ancient civilization of Uzbekistan: scenes from the history of statehood and law.-Т., "Adolat", 2001, pp. 358-359).
11. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т., “Адолат”, 2001, 178-бет. (Rtveladze E. V., Saidov A. H., Abdullaev E. V. Ancient civilization of Uzbekistan: scenes from the history of statehood and law.-Т., "Adolat", 2001, p. 178).
 12. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. - Т.: “Адолат”, 2001, 76-бет. (Boboev H., Hasanov S. "Avesta" is a reflection of our spirituality. - Т.: "Adolat", 2001, p. 76).

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000